



## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Абдуллаева Наргиза Эркиновна,*

*ЎзМУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Калит сўзлар:** лингвопрагматика, мақол, пареміопрагматика, нутқий акт, трансакция, пропозиция, инференция, импликатура, экспликатура, интенция, пресуппозиция, дейксис.

Жаҳон тилшунослигида тилни бир қолипга солиб, уни фақат назарий тушунча сифатида ўрганиш босқичидан амалий тилшуносликка ўтиш даври ХХ асрнинг иккинчи ярмидаёқ бошланган. Мазкур босқичда тил тушунчаси айнан табиий тил сифатида сунъий тилдан фаркланди ва унинг ўзига хос хусусиятлари муайян матн контекстида қўлланиши ҳолатида чуқур таҳлил қилинди. Биламизки, нутқ жараёнида нафақат тил бирликлари, яъни сўз, сўз бирикмалари, турғун иборалар ва бошқа бирикмалар фаол мулоқотни вужудга келтиради, балки улар билан бирга мулоқот иштирокчилари – шахс омили, замон ва макон омили, нутқ ҳосил қилувчининг ҳаракатлари ва мимикаси каби экстралингвистик омиллар ҳам бевосита нутқ жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Демак, тилнинг фақат семантик, стилистик ва синтактик ўзига хосликларини тадқиқ қилишнинг ўзи етарли эмас, деган хулосага келинди. Бунинг натижасида эса «прагматика» соҳаси ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган ҳолда лингвистикада ўз ўрнини топди. С.Левинсон таърифлаганидек: «*Прагматика лисоний структурада кўзга ташланувчи ҳамда тил ва контекст орасидаги грамматикалаштирилган (кодлаштирилган) ўзаро алоқадорликларни ўрганувчи соҳа, ... прагматика семантика назарияси ўз қамровига ола олмаган барча яширин маъно аспектларини ўрганувчи йўналишидир, ... у тилдан фойдаланувчиларнинг жумлалар ва гапларни контекст ҳосил қилиш учун мос келган ҳолда танлай билиш қобилиятларини таҳлил қилади*» (муаллиф таржимаси) [8:9-24]. Мазкур таърифлардан

кўриниб турибдики, прагматика кенг қамровга эга бўлиб; ушбу соҳа дейксис, мулоқот экспликатураси ва импликатураси, пропозиция, интенция, пресуппозиция, инференция, нутқий акт, дискурс каби тушунчалар таҳлилини ўз ичига олади.

Қадимий фалсафий қўлэмаларда «прагматика» терминидан илк маротаба фойдаланилган бўлиб, мазкур сўз юнон тилидан *pragma* – «иш, ҳаракат» деган маънони англатади. Кейинчалик бу сўз фалсафий термин сифатида Аристотель, Ж.Локк ва Э.Кант каби файласуфлар томонидан ҳам қўлланилган. Бу термин тилшуносликка ХХ асрнинг 60-70 йилларида Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейн каби тилшунос олимлар томонидан олиб кирилди ва тилшуносликнинг аниқ бир йўналиши сифатида талқин этилди.

Лингвопрагматика бевосита семиотикадан ажралиб чиққан лингвистик соҳа бўлиб, яъни Ч.Пирс ва Ч.Морриснинг таснифига кўра прагматика (лингвопрагматика) семиотика доирасидан синтаксис ва семантика билан бир қаторда туради. Прагматикани белгилар ва ушбу лисоний белгиларни яратувчи, узатувчи ҳамда қабул қилувчи шахслар ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан сифатида тадқиқ қилган немис файласуфи Г.Клауснинг илмий қарашлари Ч.Пирс ва Ч.Морриснинг ушбу соҳа хусусидаги фикрларини мантиқан давом эттиради [2:59]. ХХI аср тилшуносларидан Я.Мей ва Д.Кимнинг лингвопрагматика соҳаси, унинг предмети ва бошқа соҳалар билан ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фикрлари аҳамиятга моликдир. Хусусан,



«Лингвопрагматика (ёки прагматика) – тилшунослик ва семиотиканинг бир соҳаси бўлиб, у контекстнинг маънога таъсир қилиш ҳолатлари ва йўллари ўрганади. Прагматика ўз ичига нутқий акт назарияси, мулоқотга киришиш жараёни, суҳбатдаги ўзаро муносабат ва нутқ ҳолатидаги тил билан боғлиқ бошқа хусусиятларни қамраб олади. Мазкур соҳа тилшунослик ва семиотикадан ташқари фалсафа, социология ва антропология билан ҳам боғлиқдир» (муаллиф таржимаси) [11:148]. Олимнинг назариясига биноан жонли мулоқот ҳолатидаги шахсларнинг лисоний нутқига таъсир этувчи ҳар қандай омил айнан лингвопрагматика соҳаси томонидан чуқур таҳлил этилади ва у тилшуносликдан ташқари бошқа ижтимоий-гуманитар соҳалар билан ҳам бевосита боғлиқдир. Я.Мей фикрининг мантиқий давомини Д.Кимнинг ушбу фикрида кўриш мумкин: «Айнан лингвопрагматика сўзловчининг ўз нутқида тил бирликларини танлашда иккиланиши муаммосини ҳал қилади ва контекстдаги ҳолат, жой, вақт ва бошқа омилларнинг маънога ўтказадиган таъсирини кўрсатиб беради» (муаллиф таржимаси) [7:330]. Ш.Сафаров прагматика соҳасини куйидагича таърифлайди: «прагматика тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади. ... Лингвистик таҳлилнинг асосий гояси ҳам лисоннинг табиатини унинг амалий фаолиятда қўлланишига нисбатан ёки бошқача айтганда, бажараётган вазифаси доирасида аниқлашдир. Айнан вазифа (функция) тушунчаси лисон таҳлилига прагматиканинг ёндашувининг пойдеворидир...» [2:78]. Олимнинг бу назарияси прагматиканинг лингвистикада эгаллаган ўрни ҳамда вазифасини аниқ ва равшан кўрсатиб берди. Мазкур назарияга асосланиб, мулоқот жараёнидаги контекст, лисоннинг аниқ замонда (вақт оралиғида) фаоллашуви деб таърифланадиган

дискурс, нутқий акт назарияси, дейксис каби тушунчалар айнан прагматиканинг соҳасида ўрганилиши далилланади. Бу билан прагматиканинг мазкур тушунчаларни ўрганувчи қобил деб тушуниш нотўғри бўлади, чунки тилшуносликнинг бу соҳаси ўз ривожини бошқа соҳалар билан ўзаро алоқада амалга оширади, бунда албатта, семиотика, социоллингвистика, антропололингвистика, фалсафа, мантиқ каби фанларнинг ўрни аҳамиятлидир.

Лингвопрагматиканинг асосида нутқий акт тушунчаси ётади. Бу тушунча, энг аввало, сўзловчининг нутқ жараёнида вужудга келувчи муайян бир интенцияси (мақсади) билан боғлиқдир. Ҳар қандай мулоқот жараёнида лисоний бирликлар уларнинг луғавий маъносидан ташқари таг маънога ҳам эга бўлади, яъни лисоний бирликлар нутқда илтимос, буюриш, тасдиқлаш, хабар бериш, эслатиб ўтиш, огоҳлантириш, ваъда бериш каби мазмунларни ифодалаш имкониятини намоён қилади. Масалан, *Could you lend me some money?* (Менга озроқ қарз бериб тура оласизми?) гапи синтактик ва семантик жиҳатидан сўроқ гап ҳисобланади. Аммо, мазкур гап унинг қандай контекстда қўлланилишига қараб ялиниш ёки илтимос ёки буйруқ ва ҳаттоки хабар бериш (сўзловчининг моддий аҳволи ёмонлиги ҳақида) инференциясига (мазмунига) эга бўла олиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу гап мулоқот жараёнида киноя ёки ҳазил қилиш мақсадида ҳам фойдаланилиши кузатилади. Демак, прагматиканинг асосий вазифаларидан бири тил бирликларининг нутқда қандай мақсадда қўлланилишини ўрганишдан иборат эканлигини англаш мумкин. Нутқий акт тушунчасига Ш.Сафаровнинг монографиясида куйидагича таъриф берилган: «...нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир, ... нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир» [2:80-81]. Демак, айнан матн бирлиги ҳисобланган гап дискурсда



Ўзининг мазмуни ҳамда мазкур гап муаллифининг уни яратиш ва баён этишдан мақсадини ўзида акс эттирган ҳолда нутқий актни ташкил қила олади. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, нутқий акт ва гап ҳар доим ҳам ўзаро тенг келавермайди, чунки баъзи ҳолларда контекстда битта нутқий актнинг вужудга келиши учун бир нечта гаплар қўлланилади ёки битта гап мазмунида бир нечта нутқий актлар ифодаланиши мумкин.

Жаҳон прагматикларининг томонидан нутқий актни 3 та босқичдан ташкил топган жараён деб қараш қабул қилинган. Булар қуйидаги босқичлардир: 1) *локутив акт* – муайян бир мазмунга ва маълумотга эга бўлган лисоний гапни яратиш ва уни баён этиш; 2) *иллокутив акт* – гапни баён этиш билан унинг мазмуний «кучи» (ёки шу мазмунни ифодаловчи перформатив (хатти-ҳаракат) усул) орқали маълумот бериш, таклиф бериш, ваъда бериш каби мулоқот мақсадини ифода этиш; 3) *перлокутив акт* – баён этилган гапнинг унинг аудиториясига таъсир этиш босқичи бўлиб, бунда мазкур гап баён этилган ҳолат учун унинг таъсири ёки натижаси муҳим аҳамият касб этади (муаллиф таржимаси) [8:236]. Иллокутив акт нутқий акт фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилади, чунки ҳар қандай нутқий акт вужудга келиши учун, энг аввало, мақсад – интенция танланиши керак. Иллокутив акт гапнинг асосий мазмунини ифода этувчи босқич бўлганлиги сабабли, у ҳам семантик (гап маъноси), ҳам прагматик (гапнинг мулоқот вазиятидаги баёни (utterance)нинг мазмуни) бирлик ҳисобланади.

Мураккаб тил бирликларидан бири бўлган мақол ўз мазмуни жиҳатидан гапга тенг келиши сабабли, унинг муайян бир коммуникатив мақсад билан нутқда қўлланилиши мақолнинг мулоқотдаги нутқий актни ифодалашига асос бўлади. Лекин, ундаги локутив жараён оддий лисоний жумла ёки гапдан фарқ қилган ҳолда нисбатан узоқроқ вақтни талаб этади, чунки муайян бир мақолнинг

вужудга келиши ва унинг халқ томонидан муомалага киритилиши учун баъзан жуда узоқ вақт талаб қилинади. Шу сабабли, мақоллар лисоннинг гапга тенглашувчи тайёр бирликлари ҳисобланади. Шунингдек, мақолни муайян бир мулоқот вазиятида эслаб, уни мазкур мулоқот вазиятига мос равишда тўғри танлаган ҳолда қўллай билиш учун ҳам адресант (нутқ эгаси)га биров вақт керак бўлади. Муайян бир вазиятда қўлланилган мақолнинг иллокутив акти бир вақтнинг ўзида ҳам тезкорлик, ҳам мазмундорлик хусусиятларига эга бўлади. Одатда, бир мулоқот иштирокчилари бир хил миллат вакиллари бўлганлиги сабабли улардан бири ўз нутқида муайян бир мақолни қўллайди, чунки адресант адресатга ушбу мақол таниш эканлигини ҳисобга олади. Ушбу мақолнинг мазмуни мулоқот иштирокчилари томонидан оддий жумла ёки гапнинг мазмунидан кўра тезроқ англашилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мақолнинг қисқа шаклда, лекин, чуқур метафорик мазмунни ифодалай олиши унинг мулоқотдаги иллокутив босқичига ўзгача мазмундорлик бахш этади.

Мақолларнинг нутқда қўлланилиши жараёнида перлокутив акт босқичи ҳам бирмунча тез содир бўлади. Бунинг сабаби шундаки, мақоллар мазмун жиҳатидан оддий лисоний жумла ёки гапдан таъсирчанроқ хусусиятга эга, шунинг учун нутқда фойдаланилган мақол адресат ёки тингловчига кучли таъсир қилади ва бирон-бир перлокутив натижага эришишга сабаб бўлади. Ўзбек тилидаги қуйидаги мақолнинг мазмунига эътибор бериш ундаги перлокутив кучни англашга ёрдам беради, масалан, *Гап эгасини топади* мақолини ўз нутқида қўллаётган сўзловчи муайян бир интенцияни назарда тутган бўлиши мумкин, масалан: киноя, тасдиқлаш, мақташ, хабар бериш, эслатиб ўтиш ёки огоҳлантириш. Лекин, бу нутқий актнинг адресати ёки адресатларининг ҳар бири бу мақолнинг мазмунидаги илмоқли маъно унга тегишли бўлмаса ҳам бу ҳақида ўйлаб кўради, фикр юритади, яъни бу гап унга қаратилганмикин деган



шубҳани ўз хаёлидан ўтказди. Бунга сабаб ушбу мақолдаги кучли таъсирга эга кенг қамровли мазмун ва унда акс этган ўша ҳолатга хос инференциядир. Баъзи ҳолларда битта мақолнинг ўзи ҳам матн ёки дискурс бўла олади.

Сўзловчи ўз нутқида мақоллардан турли мақсадларда фойдаланади, бу эса ўз навбатида нутқнинг ифодалилиги, таъсирчанлиги ва стилистик жиҳатдан ранг-баранглигини намоён этади. Биламизки, мақолларда халқнинг урф-одатлари-ю, миллий тушунчаларидан тортиб унинг тарихий шахслари ҳамда машҳур образларигача ифода этилади. Баъзан мақолларга кўчма маънога эга турғун бирлик, фраза, фразеологик бирлик сифатида қаралгани учун ҳам улар турли контекстда ҳар хил мазмунга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Контекстдаги мақол мазмуни коммуникантнинг интенциясига боғлиқ бўлиб, у нутқий жараёни бойитишга ва фикрни бевосита эмас, балки билвосита ифодалашга ёрдам беради. Прагмалингвистлар томонидан дискурса нолисоний омиллар (прагматик, ижтимоий-маданий, руҳий омиллар) билан биргаликдаги матн сифатида қараш лозимлиги таъкидланган [1:136-137] бўлиб, мақолнинг дискурс жараёнидаги иштироки ҳам бевосита мазкур омилларга боғлиқдир. Сўзловчининг мавқеи, жамиятда тутган ўрни, унинг руҳий ҳолати, қайси маданиятга тегишли эканлиги, қандай вақтда ва қай ҳолатда нутқ сўзлаётгани ҳамда унинг тингловчиси ёки тингловчилари ким эканлиги ҳам бевосита унинг нутқига (ёки нутқда қўлланилаётган мақолга) таъсир ўтказди.

Гарчи жаҳон тилшунослигида Н.Филаткина [5:132-158] прагматиканинг фразеология билан боғлиқлик жойи йўқ деб фикр билдирган бўлса-да, 1970 йилдан буён фразеологик бирликларнинг прагматик хусусиятлари бир нечта илмий ишларнинг тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Тилшуносликда прагматик фразема (саломлашиш фраземалари, кутлов фраземалари ва бошқалар) тушунчасининг пайдо бўлиши бунга яққол

мисол бўла олади. Мақоллар ҳам ўз мазмуни ва функциясини фақатгина нутқ жараёнида аниқ ифодалайди. Уларнинг интенцияси контекстдан ажратилган ҳолда мавҳум бўлса, айнан контекст ҳолатида мақоллар аниқ бир интенцияни ўзида акс эттиради. Айнан мақоллар бошқа тил бирликлари ёрдамисиз ҳам фаол нутқ жараёнида гап, нутқий акт, контекст ва ҳаттоки тўлиқ бир дискурса тенглаша олиши каби мақолларнинг ўзига хос прагматик хусусиятлари мавжуд бўлганлиги сабабли паремаларнинг лингвопрагматик хусусиятларини ўрганувчи **паремипрагматика** номли янги илмий соҳани киритишни таклиф этамиз. Ўз вақтида немис олими Х.Х.Люгер фразеологизмларнинг прагматик вазифалари ва хоссаларини ўрганувчи «фразеопрагматика» [9:177] соҳасига асос солган эди. Мақолларнинг бошқа фразеологик бирликлардан ажралиб турувчи прагматик томонларини ҳисобга олган ҳолда, фразеопрагматикадан паремипрагматика соҳасини фарқлаб, ушбу соҳа доирасида мақолларнинг лисоний мулоқотдаги иштироки сабаб юзага чиқадиган лингвопрагматик хусусиятларини батафсил таҳлилга тортиш аҳамиятга молик илмий натижа ва хулосаларни қўлга киритишга асос бўлади.

Мақоллар узоқ йиллар давомида халқ томонидан шакллантирилиб ва қўлланилиб келингани унинг содда нутқдаги иштироки адресат томонидан тушунилишига қийинчилик туғдирмаслиги асос бўлади. Мақоллар, энг аввало, «социологик вазифа» (бу термин илк бор П.Грзибек томонидан 1984 йил қўлланилган)[4:215-249] га эга бўлган нутқ бирлигидир. Бунга сабаб – мақоллар жамият томонидан умумқабул қилинган одоб-ахлоқ қоидалари, миллий анъана ва қадриятларни ўзида акс эттиради ва айнан жамиятда рўй бераётган турли жараёнлар ва ҳолатларни ифодалайди. Адресант ва адресатнинг муайян бир нутқий ҳолатида эса мақол бирор-бир нутқий акт(огоҳлантириш, кўндириш, қарши чиқиш, тасдиқлаш, мақташ, қўллаб-қувватлаш, юпатиш, ҳукм чиқариш, танбех





бериш, кўнгли қолиш, баҳолаш, тавсифлаш, тушунтириш, тасвишлаб бериш, исботлаш, хулоса чиқариш ва бошқалар)ни ифодалай олади. Нутқ жараёнидаги икки томонлама алоқанинг тўғри қўйилганлиги ўша нутқда қўлланилаётган мақолнинг умумий маъноси ва контекстдаги ҳақиқий интенциясини ҳар икки томон ҳам тўғри тушунишига сабаб бўлади. Бу жараёнда адресант ҳам, адресат ҳам, энг аввало, мақолнинг умумий мазмунини билишлари лозим. Лекин, унинг нутқ жараёнидаги асл тағмаъносини фақат контекстни билган ҳолда тушуниш мумкин. Масалан:

–*Таъна таги тайғоқ, – деди ҳарсиллаб. – Бетамиз!* (Ҳошимов Ў., Танланган асарлар, II том, Б. 46).

Ў.Ҳошимовнинг «Совчилар» номли ҳикоясидан олинган бу парчанинг ўзидан бирон-бир мазмунни тушуниш қийин. Мақол умумий ҳолда «таъна қилиш осон» экспликатурасини ифодалашига қарамай, айнан мазкур контекстда унинг маъноси ва адресантнинг интенциясини аниқлаш учун контекстни тўлиқ ўқиш лозим бўлади. Ҳикояда бош қаҳрамоннинг опасига совчилар келади ва *Қанида турамиз... Маҳмуд букрининг ёнидаги ҳовли* деб ўз манзилларини тушунтиради. Бошқа бир кунни она ва ўғил ушбу совчиларни суриштириш учун йўлга чиқишади, манзилга етай деб қолганларида, йўлда сув кўтариб келаётган аёлдан она *Маҳмуд букрининг уйлари қайси, ўргилай?* деб сўраганида аёлнинг жаҳли чиқиб, ўз нутқида мазкур мақолни ишлатади. Шундан сўнг она бу аёл айнан Маҳмуд букрининг хотини эканлигини англаб, айтган гапига пушаймон бўлади. Бу контекстда:1) ушбу мақол суҳбатнинг охирида келиб, унинг вербал хулосаси бўлиб келмоқда;2) она совчилар тушунтирган манзилни улар айтганидек *Маҳмуд букрининг ҳовлиси* деб сўради;3) онанинг нутқида Маҳмуд исмли одамни камситиш интенцияси мавжуд эмас;4) она ўзи мулоқотга киришган номаълум аёлдан ўзининг уйига совчи бўлиб келганлар ҳақида суриштириш интенциясига эга эди;5) она у билан мулоқот қилган аёл

Маҳмуднинг хотини эканини билмас эди;6) суҳбатга киришаётганларнинг иккаласи ҳам турмуш қурган аёллар;7) ушбу мақол *бировга таъна қилиш керак эмас, Худо уни букри қилиб яратган бўлса, инсоннинг нима айби бор* импликатурасига, яъни келтирилган вазиятдан келиб чиқувчи прагматик мазмунга эга;8) она суҳбатдошининг гапларидан сўнг ушбу аёл Маҳмуднинг хотини эканлиги тўғрисида инференцияга эга бўлди.

Демак, мақолларнинг нутқдаги вазифаси куйидаги хусусиятларни ўзида акс эттиради: 1) мақолларнинг тағ маъноси муайян бир контекстда аниқ юзага чиқади; 2) мақоллар турли нутқ ҳолатларида турли прагматик вазифаларни бажаради, яъни турлича нутқий актлар, инференциялар (пресуппозициялар ва импликатуралар), интенцияларни ифодалайди; 3) муайян бир мақол бир контекстнинг ўзида (одатда бадиий контекстларда) бир маротаба қўлланилиш ҳолатида ҳам бир нечта функцияларни (социологик, дидактик, лингвокультурологик, прагматик) ва бир нечта инференцияларни (полиинференционалик) амалга ошириши мумкин. Демак, мақоллар тил таркибида қотиб қолган лингвистик бирлик бўлибгина қолмай, уларнинг ўзига хос хусусиятлари фақатгина маълум ҳолатга асосланган контекстда нутқ субъектларининг мулоқот жараёнида кўриниши сабабли уларнинг нутқдаги прагматик хусусиятлари талайгина. Мақолларнинг қандай ҳолатларда кимлар томонидан нима мақсадда қўлланилиши уларнинг контекстдаги «прагматик салоҳият»ини белгилаб беради.

Инсоннинг мулоқотга киришиш жараёни анчагина мураккабдир, чунки бунда нафақат нутқ иштирокчисининг сўз бойлиги, балки унинг дунёқараши, эгаллаган билим ва кўникмалари, ижтимоий ҳолати, мулоқот олиб борилаётган замон, макон ва вазият каби омилларнинг ҳам ўрни аҳамиятга эга. Мулоқот бирон-бир мақсад – интенцияга эга бўлиши лозим. Сўзловчи ва тингловчи бевосита муайян бир мақсадга эришиш учунгина ўзаро мулоқотга киришади.



Айнан мазкур мулоқот ўз ҳолича тўлиқ мантиқийлик, изчиллик, мақсадлилик ва натижавийликка эга бўлади. Демак, мулоқот алоҳида бир яхлит тизим шаклига эга нутқдир ва у ўз майда бирликлари, яъни тузилмавий ташкил этувчилари ҳамда йирик бирлиги, яъни мазкур майда бирликларнинг ўзаро боғланиши натижасида юзага келувчи бир бутун яхлитликни ўзида мужассам қилади. Мулоқотнинг ана шу майда ва йирик бирликларини Ш.Сафаров «микробирлик» ва «макробирлик» деб атаб, яна бир лингвопрагматик тушунча – трансакцияни қуйидагича таърифлайди: «Мулоқот тизими макробирлигининг шаклланиши мазмуний ва мундарижавий яхлитлик асосида кечади. Бу яхлитлик когнитив-лисоний ҳодиса бўлиб, унга прагмалингвистлар *трансакция* (transaction – келишилган иш, фаолият) терминини беришган» [2:241]. Мулоқотнинг ана шу мазмуний ва мундарижавий яхлитлиги мукамал бўлиши учун мулоқот иштирокчилари ҳолат ва вазиятни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ўз нутқларида лингвистик бирликларни мантиқан тўғри танлай билиши муҳимдир.

Мулоқот иштирокчилари томонидан тез-тез қўлланиб турилувчи мақоллар ҳам мулоқотнинг мазмуний ва мундарижавий яхлитлигини ҳосил қилишда самарали иштирок этади ҳамда бу жараён натижасида мулоқот мазмунан таъсирчанлик ва эмоционал бўёқдорлик касб этади. Буни қуйидаги мулоқот матни мисолида кўриш мумкин:

- *It seems that Jack stole a few thousand dollars last week, but lost it soon after at the races.*

- *That is exactly what they say about money – ill gotten, ill spent.*

Ушбу матнда қўлланилган мақол «қинғир йўл билан топилган пул қинғир йўлга сарфланади» импликациясини ифодалаб, мулоқотга хулоса ясамоқда. Яъни ушбу контекст трансакциясининг хулоса қисми мақол ёрдамида ифодаланмоқда.

Мулоқот таркибида иштирок этаётган мақоллар ўзининг

мазмундорлиги, бўёқдорлиги, таъсирчанлиги ва лўнда таркибга эғалиги билан мулоқот трансакциясини янада бойитади. Улар, одатда, нутқнинг бошланишида ёки охирида келиб, субъектнинг фикрини яққол баён этишга ва кўп ҳолларда унинг хулосасини ифода қилишга хизмат қилади. Айнан мақолларнинг полиинференционалликни ўзида намоён қила олиш ҳолатлари нутқ жараёнида кузатилади ва бу ҳолат бевосита мулоқот трансакциясининг бир вақтнинг ўзида ҳам самарадорлигини, ҳам яхлитлигини таъминлайди.

Мақоллар ва уларнинг компонентлари лингвопрагматик тушунчалардан бири бўлган «дейксис» вазифасини ҳам бажара олади. Прагматиканинг ўрганиш объектларидан бири бўлган «дейксис» Ж.Лайонз, С.Филмор, С.Левинсон ва яна бир нечта тилшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, унинг нафақат тилнинг семантик бирлиги эканлиги, балки прагматик тушунча эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. «Дейксис» сўзи юнонча сўз бўлиб, кўрсатиш, «ишора қилиш» (муаллиф таржимаси) [8:54] деган маънони англатади. Бу тушунча нутқ жараёнида фаол қўлланилувчи муайян сўз ва жумлаларни англатиб, айнан шу сўз ва жумлалар контекстда у ёки бу ҳолат, киши, нарса, вақт, жой кабиларни қисқа кўринишда эслатади ва дискурда нутқий актларнинг мантиқий изчиллигини ва маъновий боғлиқлигини ясашга хизмат қилади (муаллиф таржимаси) [6:220]. Инглиз тилида кўп қўлланилувчи *this* олмошини турли гапларда турли дейксис кўринишида кўришимиз мумкин: *Listen, I am explaining you not about this, but about this*. Бу гапда *this* олмоши бир эмас иккита ўзаро фарқланувчи объектларга ишора қилиб, буни тингловчи лисоний жумланинг ўзидан тушуна олмайди. Ушбу ҳолатда сўзловчи кўрсатиш ҳаракатлари – имо-ишоралар ёрдамида ўз фикрини адресатга тўлиқ етказиб бериши мумкин. Демак, дейксис муайян бир лисоний мулоқотнинг контекст ҳолатидагина аниқ бир интенцияни ифодалаш учун хизмат



килади, контекстсиз у ҳеч қандай вазифани бажара олмайди. Дейксис бир нечта турларга эга бўлиб (шахс дейксиси, макон дейксиси, замон дейксиси, дискурс дейксиси, эмоционал дейксис, социал дейксис (ҳонорификлар)), мазкур турларнинг ҳар бири яна бир нечта турларга бўлинади [8:164-220].

Аввалроқ мақолларнинг прагматик хусусиятларини ўрганувчи янги «паремиопрагматика» соҳасини назарий жиҳатдан асослаб берган эдик. Шу фикрнинг мантикий давоми сифатида мақоллардаги дейксис ҳодисаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бунда савол туғилади, яъни мақоллар тилга тайёр ҳолда кириб келган ўзгармас гап шаклидаги бирлик бўлса ва улар нутқда камдан-кам ҳолатларда биров ўзгариш билан ишлатилса, мақолларда дейксис ҳодисаси бўлиши мумкинми? Бу саволга жавобни қуйидаги фикрлар ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги мақоллар мисолида аниқлашга ҳаракат қиламиз.

К.С.Доннеллан дейктик ифодалашнинг икки тури: референциал ва атрибутив ифодалашни ажратиб кўрсатган [3:100-114] бўлиб, мақолларда икки турдаги ифодалаш (дейксис) ҳолати ҳам учрайди. Масалан, шахс дейксиси атрибутив ифодалаш орқали ҳосил қилинади:

➤ *Many are called but few are chosen.*

➤ *Эрта турган иш битирар, кеч қолган армон қилар.*

Мақол шахс дейксисининг 3 та категориясини (адресант, адресат ва

нутқнинг бошқа иштирокчилари) ҳам умумлаштирган ҳолда ўзида жамлай олади.

➤ *Don't count your chickens before they are hatched.*

➤ *Бугунги ишни эртага қўйма.*

Ушбу икки мақолда замон дейксиси Ж.Лайонз таърифлаган [10:68-70] металингвистик замонга ҳам, лисоний замонга ҳам эга бўла олишини кўриш мумкин. Макон дейксиси эса мақолларда умумлашган, баъзан таг маъноли бўлади:

*Where there is a will, there is a way.*

➤ *Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер.*

Мақоллардаги макон ва замон дейксиси одатда референциал шаклда бўлади. Мақолларнинг турли дискурсларда қўлланилиши, ўзи атрофидаги гапларни мазмунан боғлаши, контекстда берилаётган ҳолатни метафорик тарзда ифода этиши уларнинг дискурс дейксиси, эмоционал дейксис ва социал дейксисга эга бўла олишини ҳам исботлайди.

Демак, лисоний мулоқот жараёнида фаол иштирок этаётган мақол ўзи иштирок этаётган нутқий актнинг пропозицияси ва интенциясига мос ҳолда мазмун ифодалайди ҳамда ўз таркибида бир ёки бир нечта дейксисга эга бўлади. Бинобарин, муайян бир контекстда қўлланилаётган мақолнинг инференцияси бевосита контекстнинг умумий мазмунини тўлдирган ҳолда ўзига хос лингвопрагматик хусусиятларга эга бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Дискурс. В кн.: Лингвистическая энциклопедия. – М., 1990. – С. 136-137.
2. Сафаров Ш. Прагматическая лингвистика. Монография. – Т.: 2008. – Б. 59-241.
3. Donnellan K.S. Reference and Definite Descriptions // Philosophical Review. № 75. Reprinted in Steinberg and Jakobovits, 1971. – P. 100-114.
4. Grzybek P. Überlegungenzursemiotischen Sprichwortforschung. P. Grzybek (ed.), Semiotische Studienzum Sprichwort. Simple Forms Reconsidered I. Special Issue of Kodikas Code – Ars Semiotica. // An International Journal of Semiotics. № 3/4, 1984. – P. 215-249.
5. Filatkina N. Pragmatische Beschreibungsansätze. In H. Burger et al. (eds.), Phraseologie. Ein internationales Handbuch der zeitgenössischen Forschung. 1. Halbband. – Berlin/New York: de Gruyter, 2007. – P. 132–158.



6. Fillmore C.J. Towards a Theory of Deixis // The PCCLLU Papers. University of Hawaii, 1971. – P. 219-241.
7. Kim D. et al. The Role of an Interactive Book Reading Program in the Development of Second Language Pragmatic Competence // The Modern Language Journal. Vol. 86, № 3, 2002. – P. 328-332.
8. Levinson S.C. Pragmatics. – Cambridge: Cambridge University Press, 2008. – P. 9-236.
9. Lüger H.H. Satzwertige Phraseologismen. Eine pragmalinguistische Untersuchung. – Wien: Praesens Verlag, 1999. – P. 177.
10. Lyons J. Semantics. Vols. 1 & 2. – Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – P. 68-70.
11. Mey J.L. Pragmatics: An Introduction. 2nd ed. – Oxford: Blackwell, 2001. – P.148.

*Abdullayeva N. Linguopragmatic features of English and Uzbek proverbs. The article is devoted to the investigation of linguopragmatic features of proverbs. The subject of Linguopragmatics and the reflection of pragmatic phenomena such as speech act, transaction, implicature, explicature, intention, presupposition and deixis in proverbs are discussed in this article.*

*Абдуллаева Н. Лингвопрагматические особенности английских и узбекских пословиц. Статья посвящена исследованию лингвопрагматических особенностей пословиц. В этой статье обсуждается предмет лингвопрагматики и отражение прагматических явлений, таких как речевой акт, транзакция, импликатура, экспликатура, интенция, пресуппозиция и дейксис в пословицах.*